

**ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 79**

Галаоснѐ шахри

17.11. 2022 йил

**"Buxoro hududlararo tomarqa xizmati" МЧЖ** (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи рахбари **Ж.Шаропов** (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва **Бухоро тумани хокимлиги** (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи рахбари **Х.Жўраев** (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

**1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ**

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Мотокультиватор	дона	42	7 000 000	294 000 000
	<b>Жами:</b>				<b>294 000 000</b>

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: «31» днкабрь 2022 йил

**2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ**

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **294 000 000 (Икки юз тўқсон тўрт миллион)** сўмни ташкил этади.
- 2.2. Сотиб олинадиган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори **88 200 000** сумни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг **ноябрь** ойида амалга оширилади. Яқуний тўловнинг миқдори эса **176 400 000** сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу яқуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил **ноябрь** амалга оширилади.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага қўра, 30 фоиз миқдориди олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган
- 2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

**3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
  - 3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
  - 3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
  - 3.1.3. Сотувчи тўпланда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги хақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
  - 3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.
  - 3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.
- 3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
  - 3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
  - 3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги хақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
  - 3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар хақини тўлаш.

**4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

- 4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига қўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
- 4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
- 4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

**5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва куйидаги миқдорда жарима тўлайди:
- 5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдориди неустойка тўлайди.
- 5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдориди жарима тўлайди: \_\_\_\_\_
- 5.4. Шартноманинг 3.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдориди жарима тўлайди: \_\_\_\_\_

- 5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорда, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.
- 5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 6.1. Мазкур шартнома 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси "Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан шартнома тегишли тартибда газначилик бўлими рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ва 2022 йил «31» декабр\_ амалда бўлади.
- 6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
- 6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофиқ;
  - Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
  - Форс-Мажор ҳолатларида

## 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
- 7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади.
- 7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

## 8. БОШҚА ШАРТЛАР

- 8.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

"Buxoro hududlararo tomarqa xizmati"  
МЧЖ"

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Буюк ипак йули кучаси 56

Тел./факс 93-759-7557

х/в 20208000105165211001

Банк номи: АТБ Қишлоқ қурилиш банк

СТИРи: 307028575МФО: 01037

ОКОНХ

«Буюртмачи»

Бухоро туман хокимлиги

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Галаосиё ш. Буюк ипак юли 54 уй

Тел./факс +99865 54-25-359  
ш/х 305022860062077109601018001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 200868869

ОКОНХ 97600

Газначилик бўлинмаси номи \_Бухоро тумани буйича  
Газначилик бўлинмаси  
Ғазна х/в 23402000300100001010  
Банкнинг номи РКЦГУ ИБ г. Ташкент  
МФО 00014  
Газначилик бўлинмаси СТИР 201122919

Раҳбар

Ж.Шаропов  
(Ф.И.Ш)

(имзо)  
М.Ў.

Раҳбар  
(таълим)

Х.Жўраев  
(Ф.И.Ш)

(имзо)  
М.Ў.

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):

Қанноев э. Қўриқ